



Охирги пайтларда Швейцария ва Европадаги озик-овкат махсулотлари, дори-дармонлар ва косметика воситалари ишлаб чиқарувчи корхоналари ислом дунёси мамлакатларига, шунингдек, исломий давлат бўлмаган мамлакатлардаги мусулмон диаспораларга тобора кўпроқ эътибор қаратмоқда. Бунда уларнинг махсулотлари катъий халол стандартларига мувофиқлиги муаммоси юзага келади. «Халол» нима ва бу ўзига хос маданий-ахлоқий кодекс қоидалари қандай ҳисобга олиш кераклиги ҳақида ушбу материалда ҳикоя қилинади.

Сўнги маълумотларга кўра, 2014 йил Швейцарияда ислом диаспораси аъзолари қаторига аҳолининг тахминан 5 фоизи қиритилган, шу сабабли Конфедерация иктисодиёти аста-секинлик билан ўзи учун сифатли махсулот қандай эканлиги ҳақида тасаввурлар ва ўзига хос сўровларга эга бўлган миқдорлар сифатида ушбу истеъмолчиларни очади. Бундай компаниялар рўйхатидан Merck, Nespresso, Givaudan, Emmi, Firmenich, Stella, DSM ва Lindt каби концернлари бор.

Улар қаторига ароматизаторлар, хид қучайтиргичлар, қанд, туз каби озик-овкат, косметика ва бошқа махсулотлар ишлаб чиқариш учун базавий таркибий қисмлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган бир неча ўнлаб компанияларни қўшиш мумкин. Шу тариқа бу фирмаларнинг барчаси аниқ кўзга ташланаётган глобал трендга катъий амал қилиб, унинг доирасида фақат 2013 йилнинг ўзида халол озик-овкат махсулотлари жаҳон бозори 710 млрд франккача, дори-дармон воситалари бозори эса - 130 млрд швейцар франкигача ўсди.

Nestlé корпорациясининг баҳолашича, халол махсулотлар жаҳон товар бозорининг капиталлашуви йилига 2,5 трлн шв. фр. ни ташкил қилади. XXI асрнинг иккинчи йигирма йиллиги охирига қелиб, фақат Европанинг ўзида бу кўрсаткич 20-25%га ўсади. Айни пайтда, масалан, Швейцариянинг Nestlé озик-овкат махсулотлари ишлаб чиқарувчи концерни бутун дунё бўйлаб жойлашган 456 та фабрикасининг 85 тасида халол стандартлари асосида ишлаб чиқаришни жорий қилган. Бу ишлаб чиқариш қувватлари йилига 5,3 трлн швейцар франки миқдорида савдо айланмасини юзага келтиради, бу эса Nestlé умумий савдо ҳажмининг 5%ини ташкил қилади. Қуйида келтирилган график 2012 йилдан бўлган ҳолатда дунё халол махсулотлар бозори умумий структурасини ва унинг капиталлашув хусусиятларини акс эттиради.

Мижозларнинг хохи-истакларини ҳисобга олиш

swissinfo.ch порталининг ёзма сўровига жавоб берар экан, Nestlé концерни таъкидлашича «унинг барча махсулотлари икки тоифага бўлинади: биринчиси – халқаро истеъмолчига йўналтирилган махсулотлар, иккинчиси – одамларнинг локал дид ва хохиш-истакларини қондиришга йўналтирилган махсулотлар. Халол стандарти махсулотлари иккинчи тоифага киради». Кўплаб швейцария ва халқаро корхоналар, мусулмон харидорларнинг ишончини қозонишга интилиб, «халол» стандартига мувофиқлик сертификати олишга интилади.

Бирок, бундай сертификатга эришиш осон эмас, ишлаб чиқарувчи бир қатор меъёрлар ва қоидаларга риоя қилиши шарт бўлиб, бу исломий «сифат белгиси»ни олиш жараёни эса анча мураккаб кўп погонали схема бўйича амалга оширилади. Кўшимча қийинчиликлар шу сабабдан ҳам юзага келадик, амалдаги стандартлар борасида фикрлар яқдиллиги ҳатто расмий сертификат берадиган органларда ҳам йўқ. Савол тугилади - қимга ишониш керак, қим бу ерда «стандарт бўйича бошлик»?

Стандартлар соҳасидаги вазиятни тартибга солиш мақсадида 1990-йилларда келиб чиқиши покистонлик бўлган жаррох Муҳаммад Туфайлнинг (Mohammad Tufail) раҳбарлиги остида «Халол сертификатлаш хизмати» («Halal Certification Services» — «HSCB») компанияси ташкил қилинди. Бугунги кунда унинг штатида 25 дан ортиқ эксперт мавжуд.

Уларнинг аксарияти – Европа университетлари профессорлари ва дунёнинг етакчи институтлари тадқиқотчилари бўлиб, озиқ-овқат саноати ва таҳлилий қимёга ихтисослашган. Охириги йилларда бош офиси Базелда жойлашган бу орган бутун дунё бўйлаб, жумладан, Швейцария, Германия, Франция, БАА, Саудия Арабистони, Покистон, Малайзия ва Индонезиянинг икки юздан ортиқ компаниясига халол мувофиқлик сертификатларини топширган.

Халол – дин ва фан қесишган жойда

«HSC» ўз фаолиятига асос қилиб олган «халол» тушунчасининг илмий мезонларига кўра – доктор М.Туфайл изоҳ беришича – «таркибида ислом қонунларига зид қеладиган бирон нарса бўлмаган махсулот» халол ҳисобланиши мумкин.

Доктор Жавад Алзир (Jawad Alzeer) Цюрих университетнинг профессори бўлиб, халол стандартларига мувофиқ махсулотларни сертификатлаш соҳасидаги етакчи экспертлардан бири саналади. Биз ундан нималар махсулотларни мусулмонлар учун тақиқланган қилиши, қандай кўрсаткичлар сертификат беришга имқон бермаслиги ҳақида савол бердик.

Унинг сўзларига қараганда, «соғлиқ учун зарарли бўлган ёки таркибида қон ёхуд спирт

бўлган хар қандай ичимлик, шунингдек, агар унинг манбаси этхўр жониворлар, масалан, чўчка, шунингдек, бошка ёввойи жониворлар ҳисобланган зарарли овқат» тақиқланган бўлиши мумкин.

Халол меъёрлар нафақат озик-овқат соҳасида амал қилади, балки косметика, дори-дармонлар, аввало, инсон организмига ошқозон ёки тери орқали тушадиган воситаларга нисбатан ҳам амал қилади.

Сифат ахлокий стандарт сифатида

Халол сертификати бериш ёки рад қилиш ҳақида қарор қабул қилишда фақат диний меъёрларга асосланиб қолмайди. Шунингдек, ахлокий характердаги бошка кўрсаткичлар, масалан, махсулот сифати ҳам баҳоланади. Цюрих Олий техника мактаби (ETH) диетология профессори доктор Абдулҳак Мансурийнинг (Abdelhak Mansouri) изоҳлашича, «махсулотнинг халол деб ҳисобланиши учун у ажойиб сифатга эга бўлиши ва асло истеъмолчилар соғлиғига таҳдид солмаслиги лозим».

Дарвоқе, унинг сўзларига қараганда, «бизга «HSC» да қабул қилинган кўрсаткичлар асосида берилган мувофиқлик сертификатларининг қатта қисми Швейцария махсулотларига берилган, ахир швейцариялик ишлаб чиқарувчилар томонидан чиқарилаётган махсулотларнинг ўзи сифат кафолати ҳисобланади». Шу сабабли ушбу бирлашманинг штаб-квартираси айнан Швейцарияда жойлашгани ҳам бежиз эмас: Конфедерация номининг ўзи мутлак жиддийлик гарови ҳисобланади. Бундан фойда миқдорлар билан учрашувдан бошланиб, товарлар ишлаб чиқариш шароитларини текшириш ва баҳолаш орқали давом этиб, қарор қабул қилиш билан яқун топган ҳолда сертификат беришнинг барча босқичларида сезилади.

Махсулот ҳалоллигининг муҳим мезонларидан яна бири истеъмолчилар маданияти, меъёрлари ва урф-одатларига ҳурмат ҳисобланади. Ушбу мезонга мувофиқ «HSC» ёқимсиз хидли махсулот ишлаб чиқарувчи компанияларга, шунингдек, ўз ишчи ва ходимларининг меҳнат ҳуқуқларини бузадиган фирмаларга сертификат беришни рад қилиши мумкин. «Агарда у сифат ва ҳавфсизлик стандартларини бузадиган бўлса, махсулот ҳалол деб ҳисобланиши мумкин эмас», - таъкидлайди А.Мансури.

Мана улар – шартлар...

Ишлаб чиқариш жараёнининг мураккаблик даражаси ва хусусиятларидан келиб чиқиб, «HSC» экспертлари ҳалолга мувофиқлик сертификати олишга ёки тикилашга даъвогарлик қиладиган қорхонага ҳатто бир йилда бир неча марта ташриф буюриши мумкин (ҳалол стандарти бўйича товарлар ишлаб чиқаришга лицензия хар йиллик асосда тикланади). Бунда ташриф вақти ва санаси режалаштирилган бўлиши ҳам, мутлак қутилмаган бўлиши ҳам мумкин.

Жойларда ишлаб чиқариш жараёнини баҳолайдиган мутахассисларнинг асосий вазифаси шундан ҳам иборатки, «ҳалол концепциясининг моҳиятини ислом маданиятига мансуб бўлмаган одамларга тушунтириб бериш лозим, чунки мусулмон бўлмаганлар учун ҳалоллик назарияси бир қарашда жуда мавҳум бўлиб кўриниши мумкин. Бизнинг ишимиз – тушуниш осон бўлган илмий таърифлар ва методологиялар асосида ҳалол

концепциясининг барча нозик жихатларини тушунтириб бериш ва амалга оширишдир» - деди А. Мансури.

Швейцария тажрибаси, ишлаб чиқариш ва ўлчашнинг замонавий ва аниқ технологиялари, ривожланган инфратузилма – буларнинг барчаси, шубхасизки, махсулотнинг халол стандартига мувофиқлигини баҳолаш жараёни самарадорлиги, шаффофлиги ва халоллигига ижобий таъсир этади.

«Тасаввур килинг, бир компанияда ишлаб чиқариш сифати ва хавфсизлик борасида катъий талабларга риоя қилинади, бошқа компанияда эса хамма нарса пала-партиш бажарилади, оқибатда улар чиқараётган махсулот ифласланган ёки хатто захарланган бўлиши мумкин», - дейди Мухаммад Туфайл. «Айнан шу ерда бизга замонавий Швейцария технологиялари ва экспертлар усуллари катта ёрдам беради, улар махсулот сифатини ишончли баҳолашга имкон беради, бу эса, табиийки, баҳолаш жараёни самарадорлигини оширишга ва мувофиқлик сертификати бериш хақида қарор қабул қилишга ёрдам беради».

Илгор технологиялар кўмаги

Шундай бўлсада, «HSC» экспертлари ўз вазифаларини аниқ кўра билиши ва катта тажрибага эга эканлигига қарамай, улар ўз фаолиятида турли қийинчиликларга дуч келади ва бу қийинчиликларнинг асосийси озик-овкат саноати, унинг шиддатли ривожланиши ва модернизацияси билан боғлиқ. Масалан, хашаротларни истеъмол қилишга қандай қараш лозим?

Гарб мамлакатларида ҳозирги пайтда кўплаб хашарот турлари протеинлар қимматли манбаси сифатида кўриб чиқилмоқда. Европа олимлари уларнинг озикавий салоҳиятини диққат билан ўрганиб, ушбу гайриодатий хом ашёдан озик-овкат махсулотлари ишлаб чиқаришда фойдаланиш истикболларини баҳоламоқда. Ислолда эса хашаротларни истеъмол қилиш мумкин ёки мумкин эмаслиги хақида узил-кесил қарор қабул қилинмаган. Бу масала теологик ва ахлоқий мунозаралар предмети бўлиб турибди. Жавад Алзирнинг фикрига кўра, хаттоки келиб чиқиши диний нуқтаи назардан халол бўлган жониворларга бориб такаладиган махсулотлар ва ингредиентлар сифатини баҳолаш алоҳида қийинчилик уйғотади. Жониворлар ислом меъёрларига мувофиқ сўйилганига қандай қилиб юз фоиз ишониш мумкин? орадан вақт ўтгач, айниқса, «ҳозирги пайтда озик-овкат махсулотлари ишлаб чиқаришда кўпинча микродозадаги, бунинг устига, комплексли қайта ишлаш жараёнларидан ўтадиган ингредиентлар кўшилиши»ни ҳисобга олган ҳолда буни қандай исботлаш мумкин?

Эҳтимол, келажакда янги технологиялар бу саволларга ҳам жавоб топиб берар. Масалан, Малайзияда, протеом (белгиланган вақт ичида хужайра, тўқима ёки организм ишлаб чиқарадиган барча оксиллар йигиндисини белгилаш учун фойдаланиладиган атама, - тахририят изохи) таҳлил қилиш йўли билан жониворнинг қандай ўлдирилгани, яъни сўйилган олдин ухлатиб кўйилгани ёки йўқлигини аниқлаш бошланди.

Доктор А. Мансури ишончи қомилки, «бундай илгор технологиялардан фойдаланиш» бугунги кунда экспертлар махсулотларнинг халол стандартига мувофиқлигини баҳолашда

куч келаётган кўплаб муаммоларни хал килишга ёрдам беради. лекин таъкидлаш жоизки, хозирда улардан фойдаланиш анча катта харажатлар билан боглик».

Халол туризм

Араб мамлакатларидан кўшимча сайёхлар жалб килиш учун Швейцария меҳмонхоналари охириги йилларда мусулмон дини вакиллари бўлган меҳмонларга «исломнинг анъанавий ва диний меъёрларига мувофик» сервис ва хизматлар такдим этишга интиломда. Хусусан, меҳмонхоналар араб тилида сўзлашадиган персонални кўпроқ ёлламокда, хоналарда Куръон ва компасли жойнамоз топиш мумкин, меҳмонхоналар ресторанларида эса мукаддам Рамазон ойида гўшти халол таомларга буюртма бериш ва татиб кўриш мумкин.

Бундай хизматлар сўнги йилларда Форс кўрфази мамлакатларидан туристлар сонининг сезиларли ўсишида ҳам муҳим роль ўйнамокда (2005 йилдан 2015 йилгача бу кўрсаткич 300% ўсди).

Женева ва Монтрё бу минтакадан турситлар жалб килладиган ягона шаҳарлар эмас. Араб маданияти мамлакатларидан келадиган меҳмонларда, шунингдек, Берн кантони тогли минтакалари, Швейцариянинг немис тилида сўзлашадиган йирик шаҳарлари, масалан, Цюрих ва Люцерн ҳам катта кизиқиш уйготмокда.

Бунинг учун биринчи навбатда, Швейцария туризм бўйича миллий кўмитаси, «Schweiz Tourismus» ташкилоти томонидан Дубайдаги ўз филиали оркали Форс кўрфази мамлакатларидан туристлар жалб килиш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмокда. MySwitzerland Интернет-сайти ҳам араб тилида ахборот такдим эта бошлади.

Швейцария федерал темир йўллари (SBB) махсус шу сегмент учун тариф режалари ишлаб чиқди, хусусан, 16 ёшгача бўлган болаларга бепул чипталар такдим этилади.

В том же ключе работает с недавних пор и туристическое ведомство города – Берн кантонидаги оммавий туристик йўналиш бўлган Интерлакен шаҳри туристик маҳкамаси ҳам худди шу йўлда ишламокда, бу ерда 2013 йилдан бошлаб Форс кўрфазидан келган меҳмонлар улуши 8,5%гача ўсди.

Хусусан, кўл бўйлаб окшом пайти кема круизларида эндиликда халол гўшти таомлар буюртма килиш мумкин, парашют билан сакраш истагида бўлган араб аёл-туристлар аёл-инструкторлар хизматидан фойдаланиш имконига эга.

Манба: swissinfo.ch

Абу Муслим таржимаси